

Бисмиллохир рахмонир рахим

Аллох инояти билан пайгамбар ёшига етдим. Бутун умрим давомида жуда кўп бадиий, илмий китоблар ўқидим. Шахсий кутубхонамда бир дунё китоб бор. Булардан ташкари, Андижон, Тошкент, Москва шахарлари марказий кутубхоналаридағи китоблар билан танишдим. Турли «изм»ларга, турли таълимотларга доир китобларни кўрдим.

Истиклолгача ёзган китобларимда, маколаларимда ўкиган китобларимнинг баъзи гояларини таргигб этдим.

Истиклол туфайли эришилган улкан неъматлардан бири диний-маърифий китобларни ўкиш, ўрганиш имкониятидир. Истиклолдан сўнг Каломуллоҳ маъноларининг Абдулазиз Мансур, Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф килган таржимаси, тафсири билан танишиш халкимиз учун улкан баҳт бўлди.

Не-не буюк деб карапган китоблар даврлар шиддатига, сиёсатлар зугумига дош беролмай бугун кун тартибидан тушди. Аммо ўн тўрт асрдан ортик вакт ўтаётган бўлса-да, илохий мўъжиза - Куръони карим оятларида бирорта хато топилгани йўқ, топилмайди хам. Фалакиёт, коинот, хайвонот, наботот, илохиёт ва табобатга доир оятларнинг накадар тўғрилиги кун сайин тасдигини топмоқда.

Биз ўкиган барча китобларни инсонлар ёзган бўлишса, Куръони карим Аллохнинг сўзидир. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам) уқтирганлариdek: «Каломуллоҳнинг бошка сўзлардан фазли Аллоҳ таолонинг маҳлукотларидан фазлича юксакдир».

Исро сураси 9-оятида: «Албатта, бу Куръон энг тўғри йўлга хидоят қдлур ва яхши амалларни килувчи мўминларга, албатга, ўшаларга, улуг ажр борлиш хушхабарини берур», деб марҳамат килинади.

Аллохнинг хак дини - Ислом таълимотининг асоси Куръони карим араб тилида туширилди. Бу тил барча талабларга жавоб бера олади. Бошка илохий китобларнинг асл нусхалари сакланиб колмаган. У китоблар ахли китоблари, динлари хакида ихтилофга тушишган, китобларига хам, динларига хам ўзгартиришлар киритишган. Куръони карим эса бир харфи хам ўзгармай, событ ва абадий мўъжиза бўлиб турибди. Зеро, Зухруф сурасининг 4-оятида: «Албатга, у (Куръон) хузуримдага она китобдир, у олийдир, хикматлидир», деб марҳамат килинади.

Куръони карим оятлари илохий мўъжизалардир. Зумар сурасининг 6-оятида: «... У сизни оналарингиз корнида уч зулмат ичиди бир яратишдан кейин яна бошка яратишга ўтказиб, аста яратадир», дейилган. Тафсиричи уламолар уч зулматнинг бири хомилани ўраб турувчи парда, иккинчиси бачадон, учинчиси корин, деб жавоб берганлар.

Замонамизнинг мутахассис олимлари илмий кузатишлар натижасида хомилани уч каватли парда ўраб туришини исботлашди.

Мъминун сурасининг 14-оятида шундай дейилган: «Сўнгра (бу) манийни лахта кон килиб яратдик, бас, лахта конни парча гўшт килиб яратдик, бас, парча гўштни суюклар килиб

яратиб, (бу) суюкларга гўшт копладик, сўнгра (унга) жон киритиб, олдинги холидак бутунлай бошкacha бир вужуд пайдо килдик. Яратувчиларнинг энг гўзали — Аллоҳ баракотлидир».

Анъом сурасининг 125-оятида: «Кимни адаштиришни ирода этса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сикик килиб кўяди», дейилган. Бу оятдаги «кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сикик килиб кўяди» муборак жумласи хам Куръоннинг энг юксак илохий мўъжиза эканига далилдир. Зоро, бу оят туширилганида кўкка кўтарилган сари хавонинг сийраклашуви назарияси физика ва астромогия фанида кашф этилмаган эди.

Хомиланинг ривожланиш боскичлари айнан Куръон оятларида кўрсатилганидек эканини хозирги илмий кашфиётлар тасдиқдамокда.

Рум сураси милодий VII асрда энг йирик давлатлар — Рум ва Форс ўртасида бошланган жангда Румнинг маглубиятга учрагани, лекин якин келажакда галабага эришуви хакида хабар беради. Чиндан хам етти йилдан сўнг Куръон хабари исботланиб, румликлар форслар устидан галаба килади.

Илм-фан ривожлангани сари Куръондан узоклашиш эмас, аксинча, унга якин келиш, унинг мўъжизаларини кашф этиш кучая боради.

Хар канча олишса хам жаннат неъмати тугамайди. Унинг дунёдаги ухشاши Куръони каримдир. Унн инсонлар хар канча ўргансалар хам, бирор нарса камаймайди. Аммо бу мукаддас китобнинг адабиётга таъсири масаласи ўзбек адабиётшунослигига жуда кам ўрганилган. Хамидулла Кароматовнинг «Куръон ва ўзбек адабиёти» номли китobi бу борадаги илк тадқикотдир.

Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаккулнинг тасаввуф илмига багишлиланган китобларида бу масала умумий тарзда ўрганилган. Куръоннинг бадиий ижодга таъсирини ўрганиш факат диний нукгаи назарни ифодалаш бўлибгина колмай, назарий карашлар хамда мумтоз адабиётнинг асл илдизларини очишига, хусусан, Куръони каримга баглик эканини аниклашга хам хизмат килади.

Куръон оятларини, куръоний мавзууларни билмай туриб, мумтоз адабиёт хакикатини англаш мумкин эмас. Бу масалани ўрганишда факат Ахмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Хазиний каби тасаввуф адабиёти вакиллари ижоди билангина чекланмасдан, хар бир мумтоз адабиёт вакилининг ижодини ўрганиш зарур. Чунки мумтоз адабиёт вакиллари ижоди куръоний мавзуулар билан чамбарчас багликцир. Улар ижоди Куръони карим оятлари тафсирлари билан баглик холда ўрганилсагина теран тахлил юзага келади. Билим Аллохнинг инсонга берган буюк неъматларидан биридир. Инсоннинг билим ва тажрибаси нечоғлик мукаммал бўлмасин, у Аллоҳ олдида ожиздир. Шунинг учун Куръонга бўлган эхтиёж хеч качон сусаймайди.

Истиклолгача, яъни, совет даври мумтоз адабиётимиз тахлили, унинг асоси бўлган исломий гоялардан узилиб колгани боис мукаммал хисобланмайди. Бу хол ўзбек адабиёти тадқикотчиларининг масалани тушунмаганидан эмас, балки коммунистлар мафкураси тазийки билан юзага келган, албатта.

Истиклол туфайли очилган имкониятдан фойдаланиб, Куръони карим оятларининг адабиёт назариясига, бадиий адабиётга таъсири масалаларини ўрганишга харакат килдик. Ишимизда оятларнинг маъно таржималари, тафсирлари Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг олти жуздан иборат «Тафсири хилол» хамда «Хадис ва хаёт» китобларидан олинди. Ўрни келганида Абдулазиз Мансур амалга оширган “Куръони карим маънолари таржималари, тафсирлари” китобига хам мурожаат этдик.

Куръони карим ва адабий-назарий карашлар масаласи

Куръони карим бадиий адабиёт намунаси эмас. Бадиий адабиётни шахс — инсон ижод килади. Куръони карим Аллох таолонинг каломидир. Бунинг устига бадиий адабиёт ижодкори гоявий ниятига кўра, бадиий тўкима ишлатади. Куръон бадиий тўкимадан мутлако холидир.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф таъкидлаганидек: «Куръони карим шеър эмас, наср эмас, у — Куръондир». Куръони карим илм ва хикматга тўла мукаддас китобдир. Намл сурасининг 6-оятида бундай дейилган: «Албатта, сенга бу Куръон ўта хикматли ва ўта илмли Зот томонидан берилур. Бу Куръонни сенга йўллаётган Зот ўта хикматли Зотдир. У хар бир ишни хикмат ила килади. У зот ўта илмли бўлгани учун хар бир ишни илм ила килади. У Зотнинг илмга асосланмаган иши йўқдир. Жумладан, Куръонни сенга тушириш хам илм билан боғликдир. Куръоннинг ўзи хам илмларга тўладир».

Куръони каримда шоирлар хакида фикрлар бор. Шуаро сурасида шоирларга муносабат акс этган. Бу сура Хазрати Мухаммаднинг (соллаллоҳу алайхи ва саллам) пайгамбарликлари тан олинмаган, кийинчилик даврида нозил бўлган эди. Сура кийин паллада нозил бўлгани учун ўша давр руҳини хам акс эттиради.

Куръони карим нозил бўлаётган даврда араблар сўзга усталиги билан фахрланишарди. Шоирлар, сўз усталарининг хурмат-эътибори юксак эди. Доимо шеър ўкиш, ваъзхонлик мусобакалари ўтказиб туриларди. Хатто шоирларнинг шеърлари Каъбаи муаззама деворига осиб кўйиларди.

Суранинг 224, 225, 226-оятларида: «Ва шоирларга гумроҳлар эргашур. Уларнинг сўз водийларида дайдишини ва ўзлари килмайдиган ишларни айтишини кўрмадингми?» дейилади.

Бу оятлар Пайгамбаримизни (соллаллоҳу алайхи ва саллам) шоир, Куръони каримни шеър деганларга рад жавобидир. Инсоният тарихига назар солинса, хеч бир шоир пайгамбар бўлиб, кишиларни хидоятга бошламаган.

Кейинги оятда эса мазкур сифатлардан холи бўлган шоирлар хам борлиги таъкидланган. Суранинг 227-оятида бундай дейилган: «Магар, имон келтириб, солих амаллар килганлар, Аллохни кўп зикр этгандар ва мазлум бўлганларидан кейин нусрат козонганлар (ундай эмаслар). Зулм килганлар эса, тезда кайси агдарилиш жойига агдарилишларини билурлар».

Хамма шоир хам сўз водийларида дайдиб, амалсиз хар нарсани гапирадиган бўлавермас экан. Агар шоир имонли бўлса, яхши амалларни бажариб, Аллохни кўп эсга олса, ўзини хор килмай, хакини таниса, золимлар устидан голиб келадиган бўлса, яхши, Аллохнинг розилигини топган шоир бўлади.

Шеър факат фиску фужур, казо-казоларнинг мактovi, базми жамшиidlар васфи, гўзal аёllар мадхи, ох-воҳ ва дийдиёлар эмас, аксинча, эзгулик, имон, Ислом хизматчиси бўлиши зарур. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам): «...шeърда хикмат бордир», деганлар. Шеър оркали хикматли, имоний, исломий ва инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир. Бунга Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам) даврларини мисол килиб олиш мумкин. Ўша саодат асрида юкоридаги оятда васфлари келган имонли шоирларнинг биринчи авлоди яшаб ўтган.

Улуг сахобий Хассон ибн Собит уларнинг етакчиси эди. У киши билан бирга Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Абдуллоҳ ибн Забъарий ва бошкалар бор эди (Аллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин).

Чунончи, ўрни келганда, мўмин-мусулмон шоирнинг шеъри хар кандай куролнинг ўқидан ўткиррок бўлиши мумкин. Асрлар давомида турли мусулмон халклардан етук имонли шоирлар чикиб тургани барчани кувонтиради.

Ёсин сурасининг 69-оятида шундай дейилган: «Биз унга шеърни таълим берганимнз йўк. Бу унинг учун тўгри келмас. У зикр ва очик-ойдин Куръондан ўзга нарса эмас».

Мушриклар Пайгамбаримизни (соллаллоҳу алайхи ва саллам) шоир, Куръони каримни шеър деганлар. Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг бу даъволариға кескин жавоб бермокда.

Бакара сурасининг 189-оятида бундай дейилган: «Сизлар (Эй Мухаммад!) Хилоллар (янги ойлар) хакида сўрайдилар. Улар одамларга (йил кисоби) ва хаж учун вакт ўлчовларидир, деб айтинг. Уйларга орка томондан кирипшнгиз яхшилик эмас, балки яхшилик такво килган одам (нинг яхшилиги)дир. Уйларга (уларнинг) эшиклиридан кирингиз ва Аллоҳдан кўркингиз, шояд (шунда охиратда) нажот топсангиз».

Бу ояти кариманинг Абдулазиз Мансур томонидан килинган тафсирида бундай фикрлар бор: «Улар ойларнинг мохиягги, шакл ва шамойили хакида сўраб, пайгамбар илмини синамокчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларга ойларнинг мохияти ва тавсифи хусусида эмас, балки уларнинг вазифа ва фойдалари тўгрисида хабар беришни буюрди.

Дарҳакикат, шариат ахкомларида шакл-шамойил эмас, балки максад ва гояга эътибор бериш тавсия этилади».

Куръони карим сураларида жаханнамнинг кўркинчли тасвирлари ва жаннатнинг ажойиб тасвирлари берилади. Хар бир сурада такводорлар, намозни баркамол ўқийдиганлар, ризк килиб берилган нарсалардан садака-эхсон килувчилар, Аллоҳнинг пайгамбарлариға, туширилган барча китоблариға имон келтирувчилар, киёмат кунига катый ишонувчилар охиратда нажот топгувчилар сифатида талкин килинса, юкоридагиларга риоя килмаган, имонсиз ва такаббур, мунофик ва бузгунчи кимсалар аламли азоб ва олов билан огохлантирилади.

Хаж сурасининг 19-оятидан бошлаб 26-оятгача жаннат ахли ва дўзах ахли холатлари баён килинган. Бир-бирига карама-карши икки нарсани бир жойда, бир хил савияда бериш Куръони каримга хос хусусиятлардан биридир. Бир-бирига тамоман карама-карши икки холат: жаханнам ўт-олов ва кайнок сувдан, жаннат эса остидан сувлар окиб турган bogлардан иборат. Жаханнамда оловнинг azобига кўшимча килиб, ўта кайнок сув куйилса, жаннатда соя-салкин bogлар остидан муздек, зилол, хузурбахш сувлар окиб туради. Жаханнамда azоб устига azоб келса, жаннатда хузур устига хузур.

Мана шундай карама-карши холатлар зикри Фуркон сурасининг 53-оятида хам келган: «У икки денгизни — буниси чучук-ширин, униси шўр-аччик килиб оқизиб кўйган ва ораларига кўринмас тўсик хамда очилмас сарҳад килган Зотдир».

Бу ояти каримада бир илмий хакикат хакида гаи кетмокда. Яъни, чучук сувлар билан шўр сувларнинг аралашмаслиги. Ажнабий олимлардан Жак Ив Кусто дарё ва денгизларнинг кўшилиш жойларида текшириш ўтказиб, бу масала 1400 йил аввал Куръонда зикр этилганини билгач, Куръоннинг хакикий илохий китоб эканини англаган ва имон келтириб, мусулмон бўлган.

Куръони каримдаги ана шу карама-карши холатлар зикри бевосита хаёт хакикатини акс эттиради. Зеро, бадиий ижодда бундай санъат номи тазод деб юритилади.

Бу санъатда сўзларнинг карама-карши маъноларидан фойдаланилади. Тушунчалар, холатлар, ранглар, кайфиятлар карама-каршилиги тазод санъатини юзага келтиради.

Сарв бўйлик санамнинг, эй Бобур,
Рост айтай, сўзи ёлгон кўринар.

Байтдаги «рост-ёлгон» сўзларидан тазод санъати хосил бўлган.

Араб харфлари негизида мумтоз шарқ адабиётида харф (китобат) санъати юзага келган.

Мумтоз шоирлар араб харфларининг шаклига таяниб маъшука каддини алифга, ошик каддини долга, маъшука оғзини мимга, кўзини содга, кошини ёйга, гажагини жимга ўхшатганлар.

Камол Хўжандий бундай ёзган:

Алифтек тўгри бўйлик, кошлари нун,
Жаҳон Лайлалари хуснингга мажнун.

Хусайниний китобат санъатидан бундай фойдаланган:

То алифтек кадду лом зулфу огзинг мимидан Айрумен, вах, кўрмадим хижрондин гайри алам.

Навоий китобат санъати воситасида жонини маъшукага куйидагича таксимлаб беради:

Жонимдаги жим икки долингга фидо,
Андин сўнг алиф тоза нихолингга фидо.
Нунидаги анбарин хилолингга фидо,
Колган икки нукта икки холингга фидо.

Китобат санъати намуналари Эркин Вохидов ижодида хам учрайди:

Хажрингда каддимни дол этдинг десам, бергай жавоб: «Ким кўйибтур севгини кадди букилган чол учун».

Камар сурасининг 7-оятида бундай дейилган: «Кабрлардан кўзлари кўркинчга тўлган холда, худди ёйилган чигирткага ўхшаб чикиб келурлар». Бу ояти каримада киёмат куни Исрофилнинг иккинчи сур чалишидан сўнг одамларнинг кабрлардан чикиб келиши «ёйилган чигиртка»ларга ўхшатилмокда.

Нисо сурасининг 124-оятида: «Кимки, у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, мўмин холида савобли ишлар килса, айнан улар жаннатга киурулар ва уларга хурмо данагининг ипича зулм килинмагай», дейилган. Бу ояти каримада жаннатийларга «хурмо данагининг ипича зулм» килинмаслиги айтилиб, зулм хурмо данагининг ипига ўхшатилмокда.

Ар-Рахмон сурасининг 58-оятида: «У (хур) худди ёкут ва марジョンга ўхшарлар», дейилган. Аллоҳ таоло жаннатийларга тайёрлаб кўйган хурлар ёкут ва марジョンга ўхшатилмокда. Аллоҳ таолонинг Китобида ўхшатишнинг ана шундай гўзал ва мукаммал кўринишлари мавжуд.

Хадиси шарифларда пайгамбарлар, фаришталар номлари ўрнига уларга берилган иккинчи номлар келтирилади. Иброҳим (алайхиссалом) — Халил (дўст), Одам (алайхиссалом) — Сафиюллоҳ, Нуҳ (алайхиссалом) — Набиуллоҳ, Мусо (алайхиссалом) — Каломуллоҳ, Исмоил (алайхиссалом) — Забиҳуллоҳ, Исо (алайхиссалом) — Рухуллоҳ, Мухаммад (алайхиссалом) — Хабибуллоҳ, Жаброил — Рух номлари билан хам юритилади.

Бир тушунча ўрнига бошка тушунчани бериб, фикрни образли ифодалашнинг бу усули бадиий адабиётда истиора дейилади. Бу санъатда факат ўхшовчи ифодаланади ва у маъно жихатдан ўхшатилишни хам ўз ичига олади.

Абу Али ибн Сино истиорани бундай таърифлайди: «Нарсанинг ўзи кандай бўлса, ўшандайлигича олмасдан, уни сал ўзгартирган холатда олинганига истиора ёки маъжоз дейилади. Шеър мана шу истиора билан мажознинг таркибидан хосил бўлади».

Фуркатингда заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, багримдин эрур парголалар.
(Алишер Навоий)

Байтда «сариг юз» маъносидаги «заъфарон», «конли ёш» маъносидаги «лолазор» сўзларида истиора юзага келади:

Жамолинг вассфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен.
(Бобур)

Байтда «юзи ой каби ёр» ўхшатишига тенг «ой» сўзи кўлланишида истиора санъати кўринмоқда.

Ирсол санъати байтда макол, матал, ибора кўллаш оркали юзага келади. Шеърни бу воситалар оркали тўлдириб юбориш кийин иш эмас. У санъат даражасига кўгарилиши учун фикрнинг гўзал ва завқбахш ифодасига хизмат килмоги шарт. Мумтоз адабиёт вакиллари ирсол санъатидан кенг фойдаланганлар. Бу борада Лутфий ижоди ибратлидир. Унинг айрим газаллари бошдан-оёк ирсол санъати асосига курилган:

Аёкингга тушар хар лахза гису,
Масалдурким: «Чирог туби коронгу».

Тутармән күзки, курсам оразингни,
Ки дерлар: «Оккан арикка окар сув».

Навоий ижодида бундай байт бор:

Тўкиб май мухтасиб, мен йигладим ул кўзи усрукка,
Сув келтирмак хамону кўза синдирмак хамон эрмиш.

Бобур бундай ёзган:

Даъвии ишк этиб, гайр, Бобурни айб килма,
Ким мен эдим сенингтек, сен бўлгасен менинггек.

Эркин Вохидов бундай ёзган:

Умрини ошик хамиша ўтказур орзу билан,
Ойнинг ўн беши коронгу, ўн беши ёгду билан.

Умуман олганда, мумтоз асарлар мазмунига сингдирилган гояларни, бадиий ифода шаклларини тўгри англаш адабий дурданалар моҳиятини чукур талкин этишга олиб келади.

Бахром Жалилов